

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 26-oktabr, payshanba

№ 44 (9260)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

OSIЁ TARAQIЁT BANKI ISHIROKIDAGI YIRIK LOYIХANING TAQDIMOTI BЎLIB ЎTDI

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлики янада кенгайтириш мақсадида бугунги кунда “Боғдорчиликнинг қиймат занжири инфратузилмаси” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 244,75 млн. доллар бўлиб, шундан ОТБ қарз маблағи 197 млн. доллар, Ўзбекистон Республикасининг улуши эса 47,75 млн. долларни ташкил этади.

Яқинда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарияти, Осиё тараққиёт банки ҳамда Франциянинг “Ранжис-Самарис” компанияси вакиллари иштирокида мазкур лойиҳанинг тақдироти бўлиб ўтди. Унда агрологистика комплексларини жаҳон стандартларига мувофиқ лойиҳалаш ва халқаро савдо маркази остида

фаолиятини муваффақиятли ташкиллаштириш мақсадида лойиҳага Франциянинг “Ранжис-Самарис” компанияси жалб қилингани айтиб ўтилди.

Лойиҳа тақдиротида бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш, маҳсулотларни истеъмолчиларга



етказиб бериш ҳамда улгуржи бозорни ўз ичига олган қиймати 197 млн. доллар, қуввати 1,7 млн. тонна бўлган 3 та йирик агрологистика комплексларини Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида ташкил этиш лойиҳанинг мақсади этиб белгиланган. Француз компанияси билан биргаликда лойиҳа доирасида ҳудудларнинг бозор конъюнктураси, транспорт қатнови, атроф-муҳитни ўрганиш, инфратузилма ва унга уланиш нуқталарига техник шартлар, кадастр

хужжати, топосъёмка, геология ва гидрогеология ишлари амалга оширилиб, бош режалар ишлаб чиқилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра лойиҳанинг умумий қуввати 1,7 млн. тонна, экспорт ҳажми 956 минг тоннани ташкил этади. Ўзбекистон, мазкур агрокомплексларда 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

“Ранжис-Самарис” компанияси томонидан юртимизда замонавий агрологистика марказлари барпо этилиши қишлоқ хўжалиги соҳа-

сида янги имкониятлар, йўналишлар ва ҳатто янги профессионал йўналишларни ҳам очиб беради. Мазкур компания бугунги кунда Париж атрофидаги йиллик айланмаси 9 миллиард евро бўлган дунёдаги энг йирик озиқ-овқат логистика марказига эгалик қилади ва бутун дунё бўйлаб самарали улгуржи озиқ-овқат бозорларини куриш ва ташкил этишда илғор тажрибага эга.

Раимқул СУЯРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ХИТОЙЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА САМАРАЛИ ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион муносабатлар тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Хитой давлатига ташрифи, “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумидаги иштироки икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқни янги bosқичга кўтарди.

Хитой Халқ Республикаси Аньхой провинцияси губернатори бошчилигидаги делегациянинг Қашқадарёга ташрифи ҳам ҳудудлараро алоқаларни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Қашқадарё вилоятида айна вақтда 20 дан ортиқ Хитой инвестицияси асосидаги корхона фаолият юритмоқда. Қарши туманида Хитой инвестицияси асосида ташкил этилган “LT Tekstil” хорижий корхонаси, Китоб туманидаги “Qarshi Conch Cement” ХК заводи вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Аньхой провинцияси губернатори бошчилигида 50 га яқин ишбилармон доира вакилининг воҳага ташрифи янги имкониятлар эшигини очди. Ташриф доирасида икки томонлама учрашув, тақдиротлар, бизнес форумлар ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлигида бўлган мулоқотда ҳудуд имкониятлари, иқтисодий салоҳияти, мавжуд хомашё ресурслари, қулай инфратузилма ҳақида батафсил маълумотлар берилди. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Қарши шаҳрида электротехника йўналишида “Ўзбекистон – Хитой sanoat парк” ва Шаҳрисабз туманида қурилиш маҳсулотлари йўналишида қўшма sanoat зонасини ташкил этиш, Китоб туманидаги “Qarshi Conch Cement” ХК корхонаси томонидан инновацион иссиқхона, 10 МВт қуёш фото электр станцияси барпо этиш, цементни қадоқлашни йўлга қўйиш ҳамда нефть-газ

ва сунъий топа ишлаб чиқариш йўналишида сармовий ва кооперацион алоқаларни ўрнатишга келишиб олинди. – Мазкур компанияларни тақлиф қилиш жараёнида айна Қашқадарё вилояти ва Аньхой провинцияси ўртасидаги ўсиш нуқтасига эътибор қаратдик, – дейди вилоят ҳокимлиги котибияти мудири Миршод Қурбонов. – Яъни иккита ҳудуднинг ўзаро ҳамкорлиқдаги йўналишларини белгилаб олдик. Бу биринчи навбатда, маиший техникалар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик sanoati, инновацион қишлоқ хўжалиги каби йўналишларга тўғри келади. Тадбирлар давомида эътиборимизни тортган битта жиҳат, бевосита Аньхой провинцияси губернатори томонидан келажакда иккита ҳудуднинг ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни имзолошга келишдик.

Мулоқотлар жараёнида вилоятда етиштирилаётган дуккакли дон экинлари, қуруқ мева ва асал маҳсулотини Аньхойга экспорт қилиш, қишлоқ хўжалик техникалари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, Қарши давлат университетида Аньхойнинг Аньцин университети билан ҳамкорликда хитой тили филологияси йўналишини ташкил қилиш масаласи қўриб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ҚУВАЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

– Пилла етиштириш ҳажми оширилса, касаначилар йил давомида иш билан банд бўлади, айниқса, хотин-қизларимиз ишли бўлиб, рўзғор фаровонлиги учун яна бир имконият туғилади, – дейди “Қува Агропилла” МЧЖ раҳбари Машхураҳон Қўзибоева. – Юртимизда бир йилда 4 маротаба пилла етиштириш жараёни йўлга қўйилганлиги соҳа ходимларининг 7 ой давомида узлуксиз иш билан банд бўлишларига асос бўлмоқда.



Қува туманида жами 478 қути ипак курти уруғи 967 та хонадонда парварош қилинди. Бу дегани ҳар бир уйда 2-3 нафар одам иш билан машғул бўлди, деганидир. Бугунги кунда пиллакорлар 4-мавсумни муваффақиятли якунлаб, режадаги 19 минг 221 килограмм пиллани сифатли тарзда етиштирдилар.

Бу ютуқлар замирида ўзига хос меҳнат ва масъулият бор. Айниқса, тумандаги Деҳқонбод, Ўзбекистон,

Наврўз, Навоий ММТПлар ҳудудидаги ипак курти боқувчилар Ҳабибулло Араббоев, Доноҳон Тансоқова, Оминаҳон Сиддиқова, Машхураҳон Турсунова, Қобилжон Тожибоев сингари моҳир пиллакорлар ҳар қути уруғдан 43-45 килограммдан пилла ҳосили олиб, мавсумда юқори натижаларга эришдилар. Ипак курти парварошидаги агротехник қоидалар борасида жамиятнинг кўп йиллик тажрибага эга мутахассиси

Салоҳиддин Иброҳимов ҳамда ёш агроном Сардор Мухторовлар хонадонларда бўлиб, пиллакорларга керакли тавсиялар бериб бордилар. Қайдаки, аҳил-иноқлик бўлса, ишлар бароридан келаверади. Туман пиллакорларининг эришган ютуқлари ҳам уларнинг меҳнатга жиддий муносабати ва ўз-ўзига талабчанликлари натижасидир.

Зухра АЛИЕВА,
журналист

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



БОБУРСОЙНИНГ “ОЛТИН БАЛИҚЛАРИ”

Самарқанд вилоятининг чўл ҳудудида жойлашган Нуробод туманига бориб қолсангиз, эзгу ишларининг амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Зафаржон Жалилов ҳам шу юртда ҳалол меҳнати ортидан камол топаётган. Фидокорона меҳнати ортидан бахт топаётган, элимиз равнақига равнақ қўшаётган қаҳрамонимиз асосан балиқчилик билан шуғулланади. Ҳозир “Бобурсой олтин балиқлари” масъулияти чекланган жамияти раиси оила аъзолари билан балиқ етиштириб келади. 10 нафар ишчиси бор, 2 гектардан ортиқ сув ҳавзасида 5-6 хил балиқлар парварошланиб, 3 тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

Қиёмжон ЗИЯТОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМГА ЖОЙЛАНГАН ҲОЛДА НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА

Жорий йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ф.Ф.Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида қатор вазифаларни белгилаб берганди.



Ушбу вазифалар ижроси юзасидан туманимизда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, аҳолидан виртуал ва Халқ қабулхоналарига 3444 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг 1483 таси ижобий ҳал этилди. 947 таси ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал этилиб, 95 та мурожаат узоқ муддатли назоратга олинди, 37 таси эса рад этилган,

таклифига асосан, туман ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин қизлар бўлим бошлиғи Н.Т.Абдурахманова, туман ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Э.Меҳмонов, туман ҳокимининг sanoatни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ф.Тулабоев шунингдек, туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув



27 таси тугатилган, 45 та мурожаат маълумот учун қабул қилиниб, 645 тасига тушунтириш берилди, қолган 168 та мурожаат ижро назоратида қолмоқда. Олиб борилган таҳлиллар натижасида, 237 та мурожаат “Веб-сайт”, 2553 таси “ишонч телефони”, 95 таси “Президент почтаси”, 99 таси Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган бўлса, қолганлари сайёр қабуллар орқали келиб тушганлиги аниқланди.

Келиб тушган мурожаатлар таҳлили юртилиб, мурожаатлар кескин ортиган соҳалар, ҳудудлар ва йўл қўйлаётган хато ва камчиликлар аниқланиб тегишли идора ва ташкилотларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма ва тақдимномалар киритилмоқда. Жумладан, Халқ қабулхонаси томонида ўтган вақт оралиғида мурожаатлар билан ишлашда камчилик аниқланганлиги юзасидан 60 та кўрсатма, 10 та тақлиф, 20 та тақдимнома киритилган. Бунинг натижасида, Янгиқўрғон тумани Адлия бўлимига 2023 йил 25 май куни берилган тақлифга асосан Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш маркази Янгиқўрғон тумани бўлим бошлиғи Ф.Махмудов ҳамда Янгиқўрғон тумани прокуратурасига 2023 йил 15 март куни берилган

хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари М.Саид-аҳмедовлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топилиб, уларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдоридан жарима жазоси қўлланилди.

Бундан ташқари, Халқ қабулхонаси билан келишилган график асосида сектор раҳбарлари томонидан жойларда жами 136 маротаба сайёр қабуллар ташкил этилиб, ушбу қабулларда 520 та мурожаат келиб тушди ва 521 та муаммоли масала кўтарилди. Сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатларнинг 342 таси жойида ижобий ҳал этилган, 73 та мурожаатга ҳуқуқий маълумотлар берилган, 2 та мурожаат узоқ муддатли назоратга олинган, 66 та мурожаатга асосли тушунтириш берилган бўлса, бугунги кун ҳолатига 25 та мурожаат ижро назоратида қолган.

Сектор раҳбарлари томонидан ташкил этилган сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар Халқ қабулхонаси электрон тизимига жойланган ҳолда барчасининг устидан назорат ўрнатилган.

Элдорбек ПАРПИЕВ,
Янгиқўрғон тумани Халқ қабулхонаси мудири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ҚАДИМИЙ АХСИКЕНТ ЯНА ДУНЁГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Яқинда Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти Саад ал-Қаддумий, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги туризм элчиси, машҳур дизайнер Риту Бери билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича мулоқотда бўлди. Шунингдек, Қувайт, Иордания, Қозоғистон, Испания ҳамда бир қатор хорижий давлатлар вакиллари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Маълумки, Ахсикентда амфитеатр битиб, янги лойиҳа бўйича сайёҳлик маркази курилиш ишлари якунланган, “Шарқ тароналари” халқаро санъат фестивали ўтказилади. Бу бўйича Президентимиз алоҳида қўрсатма берганлар. Ҳозирда Ахсикентнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, мазкур ҳудудни туризм маконига айлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қадимий Ахсикент шаҳрида антик даврдан бошлаб хунармандчиликнинг қулолчилик, шишасозлик ва қурол-яроғ ишлаб чиқаришга ихтисослашган темирчилик соҳалари тараққий этган. Ахсикент темирчи хунармандлари томонидан тайёрланган қиличлар ўрта аср Фарбий Европа адабиётларида “Дамашқ қиличлари” номи билан тилга олинган. Тошга урса, уни кесадиган, эгилса ҳам синмайдиган ғайритабиий кучга эга бўлган қиличлар ҳақида ҳар хил ривоятлар тўқилган. Аслида ушбу қиличлар тарихи Фарғонанинг бош пойтахти Ахсикент (Фарғона) тарихи билан бевосита боғлиқ. Ёзма манбаларга мурожаат қилсак, уларда Уструшонадан қазиб олинган темирдан фарғоналик

хунармандлар инсон ақли бовар қилмайдиган буюмлар тайёрлашган ва Фарғонадан Буюк Ипак йўли орқали қуруллар ҳам экспорт қилинган, деган умумий гаплар мавжуд. Ахсикент ёдгорлигида олиб борилган археологик қазималар ушбу муаммога аниқлик киритибгина қолмай, балки Фарғонанинг бош пойтахти ҳақида ҳам буюк кашфиётларга олиб келди. Шунинг учун Фарғона қиличлари тарихига изоҳ беришдан аввал, ушбу қуруллар тайёрланган шаҳар ҳақида маълумот беришни лозим топдик. Милоддан аввалги II-I асрларга оид Хитой ёзма манбалари ва милодий VIII-IX асрларига доир араб манбаларида Фарғона сўзи водийнинг номидан ташқари, унинг бош пойтахтига ҳам тегишли эканлигини кўриш



мумкин. Масалан, хитой тилида Фарғона шаҳри номи “Юань”, водий номи “Дай Юань”, деб таржима қилинган, яъни Хитой тарихчиси водийни шаҳардан фарқлаш учун, уни “Катта Фарғона”, деб ёзган. Бизга маълумки, Фарғона сўзи атрофи девор билан ўралган жой ёки атрофи ўралган воҳа, деган маънони билдиради. Бу ерда Хитой тарихчиси шаҳар номига битта иероглиф (Юань), водий номига иккита иероглиф (Дай



Юань) ишлатган. Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар, Фарғона водийси ёки Хитой манбаларида тилга олинган Фарғона давлатининг бош пойтахти Фарғона шаҳри ҳозирги Ахсикент ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган илмий хулосага олиб келди. Маълум бўлишича, милоддан аввалги II асрнинг охирида хитойликларнинг Фарғонага қилган ҳарбий юришлари вақтида Ахсикент ўрнидаги шаҳар ўзининг арки, шаҳристони ва работиға эга бўлиб, 50 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Шаҳар мустаҳкам муҳофаа деворлар билан ўраб олинган. Археологик тадқиқотларга қараганда, X-XII асрнинг бошларида Ахсикент металлург-темирчи усталари тоза пўлат ишлаб чиқариш технологияси сирларини билишган. Тоза пўлат олиш учун биринчи навбатда, бойитилган темир

хомашёси зарур бўлган. Буни Ахсикент усталари Ғовасой-Поп ва Уструшонадаги Марсманда тоғ-кон саноати металлургияларидан олишган. Бойитилган темир маҳсулотни Ахсикент металлург-темирчи усталари қўлга тушган, ундан улар биринчи навбатда махсус технология ёрдамида пўлат олишган. Сўнг машҳур Фарғона қиличларини ясаган. Пўлатдан қурул тайёрлаш устандан катта маҳорат талаб қилган. Қиличга ишлов бериш жараёнида, унинг юзида ҳар хил нақшлар пайдо бўлган. Бунга ўхшаш қиличлар ўта кескир бўлиши билан бирга, мўъжизавий санъат асари ҳам ҳисобланган, дунё бозорида юқори баҳоланган.

Анвар ИКРАМОВ,
Ахсикент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси директори.

ХИТОЙЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Учрашувда Қашқадарё вилояти билан Аньхой провинцияси ўртасида ахдлашув меморандуми ҳамда воҳадаги олий таълим муассасалари ва Аньцин университети ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланди.

— Биз яқинда делегация билан Хитой давлатига сафарда бўлдик, — дейди тадбиркор Зайниддин Саломов. — Шу ерда Хитойнинг “Камск” компанияси билан қуёш панелларини етказиб бериши бўйича шартнома имзоладик. 5,2 МВт қуёш панеллари етказиб берилди. Ҳозир 4 МВт дан ортиғини мактаблар, шифохоналарга ўрнатиб бўлди. 1 МВт дан ортиғини Қарши шаҳри ва вилоятимизнинг бошқа туманларидаги аҳоли хонадонларига ўрнатдик. Ҳозир яхши ишлаб турибди. Бундан ташқари, Қарши шаҳрида кичик саноат зонамиз бор. Плиопплестрон сендвич панели, базальт қопламали сендвич панеллини ишлаб чиқаряпмиз. Бунинг учун керак бўладиган пенополилис маҳсулотини бошқа вилоятлардан олиб келяпмиз. Энди бу маҳсулотни Қарши шаҳрининг ўзидан ишлаб чиқармоқчимиз. Бу тўғрисида Хитойнинг “Камск” компанияси билан шартнома қилинди.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ўтказилган бизнес форумда вилоятнинг инвестициявий салоҳияти, мавжуд ресурслари, қулай тадбиркорлик муҳити бўйича тақдимотлар ва истиқболли лойиҳалар намойиш этилди. Форум доирасида умумий қиймати 517 миллион долларлик 24 та, шундан 451 миллион долларлик 20 та сармоявий ва 66 миллион долларлик 4 та экспорт келишувларига эришилди.

Жумладан, Чироқчи туманида шиша идишлар ишлаб чиқариш, Қарши туманида органик ўғитлар, қуёш батареялари ҳамда бутловчи қисмларни, Китоб туманида эса электромобиллар учун зарядлаш ускуналарини ишлаб чиқариш ва бошқа бир қатор йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди.

— Ушбу форумда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман, — дейди хитойлик тадбиркор Аманда Сао. — Вилоятдаги имкониятлар билан яқиндан танишдик. Айниқса, бизни бу ерда қулай бизнес муҳити мавжудлиги

мамнун қилди. Бундан ташқари, ҳудуд бой табиий захирага ҳам эга экан. Бу ҳар қандай ишбилармон учун катта имконият. Маҳаллий тадбиркорлар билан истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун келишиб олди. Бизнинг компаниямиз автомобилсозлик билан шуғулланади. Келажакда Хитой автомобилларини тўғридан-тўғри Қашқадарёга етказиб бермоқчимиз.

Шу кунги хитойлик ишбилармонлар иштирокида 28 дан ортиқ музокара ўтказилиб, уларга мавжуд имкониятлар тўғрисида маълумот берилди. Яқкабоғ туманида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, Косон туманида электр мотоцикллар йиғиш, Деҳқонobod туманида эса биологик тоза зиравор маҳсулотларини етиштириш, Ғузор туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича лойиҳалар устида ишлашга келишиб олинди.

Ташриф давомида делегация аъзолари вилоятдаги йирик саноат корхоналари, кичик саноат зоналари имкониятлари билан яқиндан танишди. Жумладан, Кўкдала туманидаги тўқимачилик фабрикасида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар меҳмонларнинг эътиборини тортди. Италиялик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган ушбу корхонада йилга 20 миллион дона кейим-кечак ишлаб чиқарилади. Шунингдек, делегация вакиллари маъданли сув ишлаб чиқарилаётган заводда ҳам бўлишди. Бу ерда 10 хил ҳажмдаги қадқоланаётган маҳсулот ички бозор ва бир қатор хориж давлатларига экспорт қилинмоқда.

Айнан шу ҳудудда хитойлик тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотда Кўкдала, Чироқчи, Китоб ва Шаҳрисабз туманларининг ўсиш нуқталари, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм соҳасидаги имкониятлари ҳусусида батафсил маълумотлар берилди. Албатта, 3 кунлик ташриф ҳар икки томон учун самарали бўлди. Истикболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши янги иш ўринлари яратиш, ҳамкорлик алоқаларининг мустақамланиши учун замин яратади.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

Ахсикентнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, мазкур ҳудудни туризм маконига айлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда

“Ахсикент жаҳон тарихида нафақат Шарқнинг иқтисодий-сиёсий маркази, балки илм-фан, шаҳарсозлик, хунармандчилик юксак чўққига чиққан тамаддун ўчоғи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бу масканда давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан лойиҳадан хабаримиз бор. Унинг ижроси ўлароқ қадим шаҳар дунё сайёҳлик марказига айланади”

Саад ал-Қаддумий,
Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти.

II ХАЛҚАРО АСАЛ ФЕСТИВАЛИ

Жорий йилнинг 27-29 октябрь кунлари Наманган шаҳрида II Халқаро асал фестивали бўлиб ўтади. Асаларичилик соҳасида фаолият олиб бораётган барча тадбиркорларни, юртдошларимизни ушбу ўзига хос анжуманга таклиф этамиз.

Ташкилий қўмита.

СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ҚўЛЛАНИЛАДИ?

Жорий йилнинг биринчи октябридан тадбиркорларга миқдори 10 миллион сўмдан юқори бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун, агар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқбузарликни инкор этса, молиявий санкцияларни фақатгина суд тартибида қўллаш амалиёти йўлга қўйилди.



2024 йил 1 январдан қуйидаги тартиблар жорий этилади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳосилни сўғурталашда сўғурта мукофотининг 50 фоизи миқдоридан субсидия бериш;
- “Иزلаниш ва ривожланиш” марказлари учун улар ташкил этилган кундан 3 йил муддатга мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизини тўлаш, уларнинг ходимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдоридан ҳисоблаш;
- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар томонидан ҳар йили амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қийматининг камида 5 фоизини облигациялар чиқариш орқали молиялаштириш.

2024 йил 1 январдан жисмоний ва юридик шахсларга ҚҚСни тўлиқ қайтариш тизими қўйидагилар ҳисобидан кенгайтирилади:

- хорижий сайёҳларга — Ўзбекистон халқаро аэропортларида Ўзбекистонда сотиб олинган ва “Tax free” тизими бўйича расмийлаштирилган маҳсулотлар учун;
- тур-операторларга — хорижий контрагентлар билан

шартномалар доирасида кўрсатилган экспорт хизматлари учун.

2023 йил 1 ноябрдан: — ижобий экологик экспертиза хулосасини олмаган объектларга нисбатан молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш механизми жорий этилади;

— экологик ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан зарарни қоплаш билан бир қаторда, зарар етказилган табиат объектини тиклаш ва унинг муайян муддат давомида муҳофаза қилинишини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Келгуси йил 1 январдан республиканинг узоқ муддатли сув баланси прогнозини юритиш, сув ресурсларини тежаш дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига суви тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун кредитлар 10 фоиз ставкада (фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳисобига) ажратилади.

Д.ХОЛИЁРОВА,
Бойсун тумани ФХДё бўлими 1-тоифали инспектори.



Самарқанд вилояти Ургут туманидаги “Ургутлик чорвадор Азимшер” фермер хўжалигида 7 нафар йигит-қиз меҳнат қилади. Фермер хўжалиги раҳбари Азимжон Ғофоровнинг таъкидлашича, жорий йилда деҳқончилик ва чорвачилик йўналишида 156 миллион сўм даромад қилиш кўзланаяпти.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ғамхўрлик

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН

Термиз шаҳрининг Гулистон маҳалласи яшовчи Мухаббат Холиқова қизлари билан келишиб, ўзи ишлаётган 12-Меҳрибонлик уйдан олти нафар, ўғил-қизнинг бахтли-саодатли ҳаётини таъминлайман, деб бағрига олди.



— Ўзим бошланғич синф ўқитувчисман. Узоқ йиллар шаҳримиздаги 13-умумтаълим мактабиди, 12-Меҳрибонлик уйда ишлаб келдим. Турмуш ўртоғим 20 йил аввал оламдан ўтган. 3 нафар қизимни ёлғиз ўзим вояга етказдим. Уларни олий маълумотли қилиб, бир нафарини узатганман, 2 нафар неварам бор. Қизларим бизнинг ҳам акамиз ё укамиз бўлсайди, дея ўқинишарди. Уларнинг нолалари Яратганга етдимми, ишқилиб улар сингилли ва укали бўлишди. Уйимиз 2 хона бўлса-да, бағримиз кенг. Тарбиямизга олган фарзандларимнинг билим олиши, оила муҳитини ҳис этиб улағйишлари учун ва мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча шароитларни яратиб бердим. Улар Термиз шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидидаги 17-умумтаълим мактабиди малакали ўқитувчилардан сабоқ олишмоқда. Бўш вақтларини ўзлари қизиққан фан ва тўғрақларда мазмунли ўтказиб, муайян соҳа бўйича иқтдорларини шакллантириб боришмоқда. Спорт машғулотларида болаонларим саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда совриндор

ҳам бўлишмоқда. Бугун хурсандман. Ҳозиргина, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиалидан келиб турибман. Хонадонимда тарбияланаётган қизим Умиди Убайдуллаева, олийгоҳнинг 1-курсиди сабоқ олаётганлиги боис, раҳбарият уни ётоқхона билан таъминлади. Барча керакли ҳужжатларини топишиб келаяпман. Тарбиялаётган ўғлим Сардор Омонов 11-синф ўқувчиси. Орузси сиёсатшунос ёки ҳуқуқшунос бўлиш. “Сурхон” спорт мажмуасининг “Қўл тўли” тугаргининг фаол иштирокчиси. Қизларим Мадина Салимова ва Севинч Чориевалар ҳам 11-синф ўқувчилари. Улар Термиз давлат университетида ўқишга кириш орзусида. Севинч Ашуралиева қизим 9-синф ўқувчиси. Жасур Ҳожиёв эса ҳозирда Тошкент шаҳрида яшаяпти. Президентимизнинг оталарча ғамхўрлиги, қолаверса ҳомий ташкилотлар ёрдами, саховатпеша инсонларнинг кўмаги билан бола тарбияси, унинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза этиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Тарбияланувчиларимизнинг уйда ҳам бўш вақтларини мазмунли ўтқа-

Бугунги кунда пиёз дунё бўйича 4,5 миллион гектар майдонга экилиб, 92,1 миллион тонна маҳсулот етиштирилмоқда

Мутахассис тавсиялари

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, 2023 йилда республикамызда ҳудудий ҳокимликларнинг таклифларига асосан барча тоифа хўжаликлар-и томонидан 2024 йил ҳосили учун жами 529 минг гектар август пиёзи, саримсоқпиёз ҳамда “тўқсонбости” усулида сабзавот экинлари экиш белгиланган.

Пиёз парҳезбоп ва доривор хусусиятга эга бўлгани учун у инсоннинг ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Унинг хиди иштаҳани очади, мазаси турли хил таомларга хушбўйлик беради, ўзи эса овқат ҳазмини яхшилаиди. Хом, пиширилган, қовурилган, қайнатилган, қуритилган ва тузланган ҳолларда истеъмол қилинади. Пиёзбоши ва яшил барглари йил давомида истеъмол қилинадиган сабзавот бўлиб, таркибида жуда кўп азотли моддалар, шакар, эфир мойлари, витаминлар, ферментлар, кальций ва фосфор тузларини сақлайди. Эфир мойлари ўзига хос хид ва ўткир маза бериб туради. Халқ табобатида пиёз юрак касалликларида, вирусли ва онкологик касалликларда, бўйрак ва замбуруғли касалликларни даволашда, абцесс, фурункул ва дерматитларни, гипертония ва атеросклероз-ни даволашда ва уларнинг профилактикасида ишлатилади. Пиёз таркибидаги РР витамини қон томирларини мустаҳкамлайди, уларни эластик ва ҳаракатчан қилади. Оддий бошпиёз таркибидаги эфир мойларининг микдорига қараб 3 гуруҳга, яъни аччиқ, яримаччиқ ва чучук пиёзларга бўлинади.

Пиёз совуққа чидамли ўсимлик бўлиб, уруғи 3-5 даража ҳароратда нишлай бошлаиди, пиёзбоши эса ўсади. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳарорат 18-28 даража ҳисобланади. Униб чиққан ўсимликлари -2-3 даражагача со-вуққа чидайди, пишган пиёзбошлари эса -10-12 даражагача қисқа муддатли совуққа ҳам чидайди. Музлаган ва аста-секин муздан тушган пиёзлар ҳаётчанлигини йўқотмайди. Пиёзнинг барги 6-7 даражагача совуққа чидайди.

Ўсимлик ҳаётининг турли даврларида ёруғлик интенсивлигига талаби бир хилда бўлмайди. Улар ўсиш даврининг бошларида, барглари ўсиб чиққанда унчалик катта бўлмайди, лекин пиёзбошлар шакл-ланаётган вақтда бирдан катталашади. Шунинг учун барра пиёз ўстираётганда ўсимликни бироз соя-латиш жуда муҳим. Ўсимлик йирик бошпиез учун ўстирилганда соялатиш пиёзбошлар шаклланишини кечиктиради ва ҳосилни камайтиради.

Пиёзбошининг шаклланиши ва етилиши озиқ моддаларга ва ўсимликнинг сув билан таъмин-ланганлигига боғлиқ. Уруғ қанча қалин экилса, ўсимлик озиқ моддалар ва сув билан қанчалик кам таъминланса, пиёзбош шунчалик тез шаклланади ва майда бўлади. Агар ҳар гектар ерда 200-400 минг ўсимлик ўстирилса ва озиқланган шароити яхши бўлса, йирик, озиқ-овқат учун ишлатиш-га яроқли пиёзбош етилади. Сув бериш меъёри аввалгига гектарига 450-500 м³/га, пиёзбошлар шаклланиш даврида эса 550-600 м³/га бўлиши тавсия этилади.

Пиёздан юқори ҳосил олиш учун ер ҳолатига боғлиқ равишда гектарига 150-200 кг. азот, 150-160 кг. фосфор ва 75-80 кг. калий солинади. Шудгор-лашда тупроққа йиллик режадаги фосфорнинг 75, калийнинг ҳамма микдори, экиш олдидаги бороналашда фосфорнинг қолган 25 фоиз қисми, азот эса иккига тенг бўлиниб, яганалашдан сўнг майсаларнинг 1-2 чинбарглигида ҳамда пиёзбош-лар шакллана бошлаганда берилади.

Механик таркиби енгли кумоқ бўлган, оч тусли бўз тупроқлар пиёз учун яхши ҳисобланади. Шур-ланган ва ботқоқ тупроқлар эса яроқсиз. Қатор оралари ишланадиган, далани бегона ўтлардан тозалайдиган қарам, картошка, помидор ва бо-дринг яхши ўтмишдошир. Пиёз илдиш мевали сабзавотлардан сўнг экиш тавсия этилмайди. Бунга сабаб пиёз экинига зараркунанда ва касаллик-



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

БИРДАМЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Жизмонсой маҳалласи Каттакўрғон туманининг олис ва чекка ҳудудларидан бирида жойлашган бўлиб, ўзига хос тарихга эга. Маҳаллада бугунги кунда 3500 дан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Тўй-маъракаларда, жамоатчилик ишларида, ҳашарларда аҳоли ҳамиша ҳамжиҳат ва бир-бирига елкадош.

Шундан бўлса керак, одамлар-нинг ўзаро меҳр-оқибатлари бошқа-ча. Маҳаллада бугунги кунда тўртта умумтаълим мактаби ва тўртта хусусий болалар боғчаси мавжуд бўлиб, улар фарзандлар тарбияси йўлида фаолият юритмоқда. Маҳалла марказида Ои-лавий шифокорлик пункти жойлашган бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар бил-лан жиҳозланган ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар муҳайё. Ушбу саломатлик масканининг хизматидан аҳоли ҳамиша мамнун. Маҳаллада зиёлилар авлоди-нинг шаклланишида, олий таълимга кирувчи ёшлар сонининг йил сайин кўпайиб боришида тажрибали ва би-лимдон ўқитувчи-устозларимизнинг хизматлари беқиёс. Буни яқиндагина ҳукуматимизнинг кўкрак нишонларига

сазovor бўлган устозларимиз – Тўрақул Бўронов ва Азимжон Мирзаевлар ми-солида кўришимиз мумкин. Утган йили жимзонсойликлар учун жуда қувончли йил бўлди. Халқимиз-нинг азалий орзуси ушалиб, 4,5 км йўл асфальт қилинди. Ушбу хайрли иш учун нуроний отахонлар, онахонлар мамла-катимиз раҳбарига, вилоят ва туман раҳ-бариятига миннатдорчилик изҳор қилиб, ҳаммша дуодалар.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар-нинг моддий-техник таъминотини ях-шилашни, маҳалланинг ўз маблагини шакллантиришнинг самарали йўлларини жорий қилишни тавсия қилдилар. Ҳозир-да маҳаллада мавжуд бўлган “бешилки” “еттилик”ка айлантириш лозимлигини айтиб ўтди. Ижтимоий таъминот ва со-лиқ тизими соҳасида маҳаллаларда ҳам

мутахассис кадрлар фаолият юритиши лозимлиги, аҳоли муаммоларини барта-раф этиш, боқимандаликни камайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш лозимлиги ҳақида-ги фикрлари маҳалла раисларини ишга янгича ёндашишга ундади.

Биз, жимзонсойликлар бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла ободлиги, эл фа-ровонлиги йўлида бор қуч ва имкониятла-римизни ишга сояяпмиз. Хонадонлар ҳо-латини ўрганиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, яшил макон ҳудудларини яратиш, кам таъминланган оиаларни қўллаб-қувватлаш, якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш каби ишларимиз кундалик юмушимизга айланмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақса-дида турли хил талновлар ва тадбирлар ўтказишни йўлга қўйдик.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг бирдамлиги эришяётган ютуқларимизнинг омили бўлмоқда.

Абдисодиқ НОМОЗОВ,
Каттакўрғон тумани
“Жизмонсой” МФЙ раиси.

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЧОРВАЧИЛИК – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

